

О'zbekiston Respublikasi

BUXORO VILOYATI

НОКИМИ

**FARMOYISHI**



Ўзбекистон Республикаси

БУХОРО ВИЛОЯТИ

НОКИМИ

**ФАРМОЙИШИ**

2017 йил 04 январь

Бухоро шаҳри

№ 01-ф

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида тадбиркорлар билан бўлиб ўтаётган очик, ошкора учрашув ва мулоқотлар тадбиркорликнинг имкониятлари нақадар кенг эканлиги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш орқали аҳолини иш жойлари билан муқим таъминлаш гарови эканлигини кўрсатиб бермоқда. Бироқ, жойларда маҳаллий ҳокимликлар, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ушбу муҳим соҳага эътиборсизлиги, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этишда сансоларликка йўл қўйилганлиги, аксарият ҳолатларда тўсқинлик қилинаётганлиги тадбиркорликни янада ривожлантиришга имкон бермасдан келаётганлигини кўрсатиб берди.

Учрашувларда тадбиркорлар томонидан кўтарилган ҳар бир масала ва муаммолар назоратга олиниб, уларни ҳал этиш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туманлар бўйича вилоятнинг чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, аниқ топшириқ ва муддатлар белгиланди ва тегишли ижрочиларга етказилиши таъминланди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар дастурларининг ижросини ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш, тадбиркорлар томонидан кўтарилган масала ва муаммоларни ўз вақтида, ўрнатилган тартибда ва қонун доирасида ҳал этиш борасидаги ишларнинг мониторингини юритиш мақсадида:

1. Тадбиркорлар томонидан кўтарилган масала ва муаммоларни ҳал этиш бўйича вилоят мониторинг гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят мониторинг гуруҳига:

чора-тадбирлар режаларида белгиланган ҳар бир топшириқлар бажарилишини ижрочилар кесимида кундалик ўрганиб бориш, ахборотлар

тўплаш, йўналишлар бўйича туркумлаш, таҳлил қилиш ва вилоят ҳокимига ахборот киритиш;

2

муаммо ва масалаларни кўтариб чиққан тадбиркорлар билан боғланиб, олинган маълумотлар, тўпланган ахборотларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш;

мониторинг натижаларини вилоят ҳокимининг кўрсатмасига кўра оммавий ахборот восилаларида ёритилишини ташкил қилиш топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалаларга рад жавоб бериш фақатгина мониторинг гуруҳи хулосасига асосан амалга оширилади.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалардан жалб этилган мониторинг гуруҳи аъзолари 2017 йилнинг охирига қадар ўзларига юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаб беришлари шартлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Вилоят корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари вилоят мониторинг гуруҳи аъзоларининг мурожаати асосида ўз ваколат доирасига тегишли ва ижросида бўлган топшириқлар бўйича зудлик билан ўз муддатида ахборот беришлари шарт эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига жойларда ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларида тадбиркорлар билан ошкора учрашув ва мулоқотларни қатъий белгиланган жадвал асосида ўтказиб, уларда билдирилган таклиф, муаммо ва масалалар бажарилишини таъминлаш бўйича мониторинг гуруҳларини ташкил этиш, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига ҳар кунлик ахборот киритиб бориш топширилсин.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Ғойиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**Ў.Барноев**

**Тадбиркорлар томонидан кўтарилган масала ва муаммоларни ҳал  
этиш бўйича вилоят мониторинг гуруҳи таркиби**

Ш.Мирзаев - Вилоят ҳокимлиги аппарати тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлаш гуруҳи раҳбари, мониторинг гуруҳи раҳбари

**АЪЗОЛАРИ**

Ш.Эгамбердиев - Вилоят ҳокимлиги аппарати тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлаш гуруҳи бош мутахассиси

О.Содиқов - вилоят ҳокимлиги аппарати ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бош мутахассиси

А.Мўминов - вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи (келишув асосида)

Ф.Абдуфармонов - вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси

Ф.Бобоев - вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

А.Тоиров - вилоят ермулккадастр давлат корхонаси бўлим бошлиғи

Й.Бобожонов - “Бухоро электр тармоқлари” АЖ етакчи мутахассиси

Н.Шарапов - “Ғарбгазтаъминот” УК бўлим бошлиғи

З.Шодиев - Марказий банк вилоят бош бошқармаси бош иқтисодчиси

Х.Шеров - “Бухороавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти бўлим бошлиғи

Н.Ҳотамов - вилоят "Сувоқава" ДУК техника хавфсизлиги бўйича мухандиси

Э.Гадоев - вилоят давлат солиқ бошқармаси бош инспектори

М.Мирмурзоев - вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси